Элим деб, юртим деб ёниб яшаш керак

1925 йилдан чиқа бошлаган

# Туркистон

ЎЗБЕКИСТОН ЁШЛАРИ «КАМОЛОТ» ЖАМҒАРМАСИ ГАЗЕТАСИ

1997 йил 11 январь Шанба.
№ 4 (14397)

## ИҚТИДОРЛИЛАР — ЮРТБАХТИ

*Ўтаётган ҳафтанинг энг муҳим воқеалари бизнингча, ҳукуматимиз раҳбарининг «Иқтидорли ёшларнинг чет элда таълим олишларини қўллаб-қувватлаш «Умид» жамғармасини тузиш тўғрисида»ги ҳамда «Ўзбекистонда миллий рақс ва хореография санъатини ривожлантириш тўғрисида»ги Фармонлари бўлиб, ёшлар томонидан қувонч билан кутиб олинди. Боиси, мазкур ҳужжатлар Ватан келажаги ҳисобланмиш биз ёшларнинг ҳар жиҳатдан баркамол инсон бўлишимиз учун замин тайёрлайди.*

### «УМИД»ДАН УМИДИМИЗ КАТТА!

Яқиндагина Республикамиз Президентининг «Иқтидорли ёшларнинг чет элда таълим олишларини қўллаб-қувватлаш «Умид» жамғармасини тузиш тўғрисида»ги Фармони эълон қилинди.

Ушбу Фармон юзасидан Ўзбекистон Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги қошидаги ташқи алоқалар бош бошқармаси бошлиғининг ўринбосари Қосим ака Расуловнинг фикрлари билан қизиқдик.:

— Мустақиллик туфайли йигит-қизларимизнинг хорижда илм олишларига имкон туғилган бўлса, юртбошимизнинг кунн-кеча эълон қилган Фармонлари бу имконга қўш қаноат бағишлади, десам янглишмаган бўламан. Ҳозирга қадар жаҳоннинг АҚШ, Канада, Германия, Бельгия, Япония сингари тараққий этган давлатларида мингдан ортиқ талабаларимиз иқтисодиёт, янги технологиялар, банк тизими, саноатнинг турли соҳалари бўйича пухта билим ўрганиб, малакаларини оширишмоқда. Мазкур юмушлар билан бевосита шуғулланувчи «Умид» жамғармаси ташкил этилиши ҳақидаги Фармон элимиз дилидаги гап бўлди. Энг асосийси, юртимиз ижтимоий-иқтисодий ҳаётининг устивор йўналишлари бўйича юқори малакали мутахассислар тайёрлаш мақсадида истеъдодли, билимга чанқоқ ёшларни танлаб олиш, саралаш ва ўқитиш, зарур дастурлар ишлаб чиқиш, уларни таълим тизимига жорий этиш ҳамда танлов асосида чет эл ўқув юртларига ўқишга юбориш бўйича Фармонда бир қанча кўрсатмалар алоҳида-алоҳида таъкидлаб ўтилгани аҳамиятта моликдир.

Қолаверса, Ўзбекистон илмфанининг шарафини, довруғини дунё миқёсига олиб чиқишда ҳам Фармон ўзига хос рол ўйнайди. Ахир Республикамиз иқтисодиётининг юксалиши, келажагимиз фаравонлиги ҳам асосан етишиб чиқадиган мутахассисларга боғлиқ-ку!

Даниил ҲОЛИҚОВ, Успенский номидаги махсус мусиқа мактаб-интернатининг ўқувчиси:

— Президентимиз Ислом Каримовнинг «Иқтидорли ёшларнинг чет элда таълим олишларини қўллаб-қувватлаш «Умид» жамғармасини тузиш тўғрисида»ги Фармонини катта қувонч билан ўқидим.

Германия, Англия, Туркия каби давлатларда биз намойиш этган мусиқий дастурлар катта муваффақият қозонган бўлса-да, лекин мен ўзимнинг ҳозирги билимим билан чекланиб қолишни истамайман. Ҳали кўп ўқиб ўрганишим, изланишим керак. Шу маънода Фармон жуда ўз вақтида қабул қилинди-да!

Зафар АЛИМУҲАМЕДОВ, ТошДУ талабаси:

— Хорижда билим олишни истамайдиган талаба учрамаса керак. Менимча ўз касбининг етук мутахассиси, бошқача айтганда устаси бўлиш учун ўз билим ва маҳоратимизни тинимсиз чуқурлаштириб, мустаҳкамлаб боришимиз керак.

Фармонда иқтидорли ёшларнинг жаҳон андозалари талаблари даражасидаги илғор билимлари асосида таҳсил олишлари, юксак маънавиятли, юқори малакали мутахассис бўлиб етишишларига моддий-маънавий ҳомийлик қилиш ҳақида алоҳида тўхталиб ўтилгани эътиборга лойиқдир.

Санобар ОДИЛОВА, муаллима:

— Биласизми, фарзандларимизнинг комил ва фозил инсонлар бўлиб етишишлари йўлида Президентимизнинг мазкур Фармонлари муҳим дастуруламал бўлиб хизмат қилади, деб ўйлайман. Ахир ярим-ёрти касбнинг «эгаси» ҳамма жойда ишга панд беради-ку!

Бир сўз билан айтганда, «Умид»дан умидимиз катта!

### ИЖОДИЙ ПАРВОЗЛАР БАХШ ЭТИБ

«Ўзбекистонда миллий рақс ва хореография санъатини ривожлантириш тўғрисида»ги Фармони хусусида Республика Маданият ишлари вазирининг ўринбосари, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Муҳаммадали АБДУҚУНДУЗОВ шундай деди:

— Фармоннинг аҳамиятини қисқагина сўзлар билан ифодалаш мушкул. Бу Фармонни ўзбек рақс санъатининг бугуни, эртаси ва умуман келажагига кўрсатилган ғамхўрлик деб баҳо бор берсангиз, унда вазирлигимиз, Ўзбекистон Телерадиокомпанияси ва «Ўзбекнаво» гастроль — концерт бирлашмасининг «Баҳор», «Лазги», «Зарафшон» ҳамда «Тановар» ансамбллари негизида танлов асосида Маданият ишлари вазирлиги тизимида Мукаррама Турғунбоева номидаги миллий рақс бирлашмаси — «Ўзбекрақс»ни ташкил этиш ҳақидаги таклиф маъқулланган. Биласизми, илгари бу гуруҳларимиз тарқоқ ҳолда ишлаган бўлишса, энди улар катта ижодий кучга айланди. Бирлашма ўз олдига рақс санъатини яхшилаш бўйича улкан вазифалар қўйган. Рақс санъатимизни нафақат юртимизда балки бутун жаҳон аҳли аро таништириш, тарғиб этиш мақсадида «Ўзбекрақс»га талайгина имкониятлар яратиб бериш зарурлиги Фармонда алоҳида уқтириб ўтилган. Жумладан, бирлашма ҳамда унинг тасарруфидаги корхоналар барча турдаги солиқлардан беш йил муддатга озод этилиши, натижасида жамланадиган маблағлар мамлакатимизда рақс санъатини янада ривожлантиришга, унинг моддий-техник негизини мустаҳкамлашга хизмат қилади.

Хореография билим юрти ҳамда Тошкент Давлат маданият институти негизида миллий рақс ва хореография олий мактаби ташкил этилиши бу соҳадаги буюк янгилик десам, хато қилмаган бўламан.

Қолаверса, Ҳамза номидаги Санъатшунослик илмий-тадқиқот иниститути билан ҳамкорликда миллий рақс ва хореография санъати тарихи, тараққиёт йўли борасида қўлланмалар, дарсликлар яратилиши ҳақидаги таклифлар нур устига аъло нур бўлди.

Ўзбек рақсларининг дилбарлиги, нафосати ўтган йили Амир Темур таваллудининг 660 йиллигига бағишлаб Парижда ўтказилган тантаналарда ҳам яна бир карра намоён бўлди. Борингки, Наврўз, Мустақиллик байрамларидаги мусиқий дастурларни рақссиз тасаввур этиб бўлмайди-ку.

Фикримча, ушбу Фармон миллий рақс санъатимиз равнақида йўлчи юлдуз бўлиб қолиши билан бирга, санъаткорларимизга янги ижодий парвозлар бахш этади.

**Нозима ИСЛОМОВА**
**суҳбатлашди.**



**Келажак сеники, болажон...**

## «КАМОЛОТ» БОШҚАРУВИДА

***Ўзбекистон Ёшларининг «Камолот» жамғармаси бошқарувида «Туркистон» газетасининг шу йил, 4 январь сонида босилган «Дилдаги оғриқлар» ва «Ёшларга иш йўқ...» мақолалари муҳокама этилди***

Бўлиб ўтган муҳокамада таъкидландики, жамғарманинг вилоят, шаҳар ва туман бўлимларида ҳам «Туркистон» газетасида чоп этилган юқоридаги икки мақолада кўрсатилган камчиликлар муҳокама этилиб, белгиланган зарур чора-тадбирларни кечиктирмай амалга ошириш лозим. Шу баробарида нафақат жамғарма газеталарида босилган, балки бошқа нашрларда чоп этилган танқидий чиқишларни ҳам назоратга олиб, уларни бартараф этиш борасида доимий равишда амалий фаолият олиб боришни йўлга қўйиш мақсадга мувофиқдир. Ёш авлодга миллий анъаналар, қадим қадриятларимизга содиқлик, буюк келажакка ишонч, эҳтиром туйғуларини сингдириш мақсадида жойларда тарғибот-ташвиқот ишларига амалий ёрдам кўрсатиш жамғарма фаолиятининг бирламчи вазифалари сирасига киради. Бу борадаги ишларни такомиллаштириш мақсадида ҳамда ёшлар маънавияти, уларда шарқона фазилатларни юксалтириш учун мунтазам матбуотда мақолалар эълон қилиш телекўрсатувлар, радио эшиттиришлар ташкил этишни кучайтирмоқ керак. Икки ой муддат ичида жойларда ёшлар муаммоларини ўрганиш, улар учун янги иш жойларини ташкил этиш, ижтимоий ҳимоялаш масалалари бўйича давлат ташкилотлари билан ҳамкорликда ўқув-семинар ўтказиш маъқул деб топилди.

Шунингдек, муҳокамада мақолаларда кўрсатилган Сурхондарё вилоятининг Қумқўрғон ва Тошкент вилоятининг Ўрта Чирчиқ туманларида янги иш ўринларини ташкил этишга амалий ёрдам кўрсатиш учун махсус ишчи гуруҳи тузилиб, сафарбар қилинадиган бўлди. Эслатиб ўтилдики, ушбу йўналишда амалга оширилган тадбирлар натижасидан ижобий ўзгаришларни жойларда ҳам тадбиқ этиш ниятида барча вилоятларга тезкорлик билан етқазилмоғи даркор. Бу борада жамғарманинг вилоят, туман бўлимлари раҳбарияти ўз масъулиятини янада оширмоғи керак. Шу билан биргаликда келажак авлоднинг хулқ ва маданиятини ошириш мақсадида тегишли ташкилотлар билан биргаликда гузарлар, турар жой, айниқса қишлоқ жойларида фан ва маданият ходимлари, ёзувчилар, санъаткорлар билан турли мавзуларда учрашувлар ҳамда жонли мулоқотлар ўтказиб туришни доимий равишда йўлга қўйиш кераклиги мақсадга мувофиқ деб топилди.

## СУРХОНДАН АКС-САДО

*«Камолот» жамғармаси Сурхондарё вилоят бўлими бошқаруви туман ва шаҳар бўлимлари раислари иштирокида **«Туркистон» газетасида чоп этилган «Ёшларга иш йўқ»** танқидий мақоласи юзасидан йиғилиш ўтказилиб, мақолада таъкидланган Қумқўрғон туманидаги камчиликлар муҳокама этилиб, уларни бартараф этиш бўйича керакли чора ва тадбирларни белгилади.*

«Камолот» жамғармаси Қумқўрғон тумани бўлимига Н. Мирзаев номли жамоа хўжалигида ва тумандаги бошқа хўжаликларда туман меҳнат биржаси билан ҳамкорликда ёшларни иш билан таъминлаш чорасини кўриш, уларга амалий кўмак кўрсатиш мақсадида жамғарманинг вилоят бўлими ҳисобидан маблағ ажратилди. Хўжаликдаги клубни ишга тушириш, клуб қошида бадиий ҳаваскорлик дастасини тузиш, спорт ишларини жонлантириш, ёшларни 1997 йилнинг қолган ойлари учун бир қанча нашрларга обуна қилишни ташкил этиш ва бошқа долзарб масалаларни ҳал этиш борасида хўжалик раҳбарлари билан биргаликда аниқ тадбирлар ишлаб чиқилди.

Хўжаликдаги жамоатчилик маркази фаолиятини изга солиш, ёшларга тааллуқли барча ташкилий ишларни яхшилашни вилоят «Камолот» жамғармаси бўлими бошқаруви ўз назоратига олди.

**Ж. ҚУРБОНОВ.**
**«Камолот» жамғармасининг Сурхондарё вилояти бўлими раиси,**
**Ўзбекистон Олий Мажлиси депутати.**

## ИЛК ҚАЛДИРҒОЧЛАР

Газетамизнинг ўтган сонида «Камолот» жамғармаси ҳузуридаги Ёшлар муаммолари институти ҳақида маълумот бериб, бир неча тингловчининг фикрларини ёритгандик. Буни қарангки, ўша гурунгдан бор-йўғи бир кун ўтиб, институтда бир ойлик ўқиш тугаши муносабати билан (охирги синовлар тест усулида бўлибди) каттагина йиғин ўтказилиб, унинг тингловчиларига сертификатлар топширилди. Тантанани «Камолот» жамғармаси бошқаруви раисининг биринчи ўринбосари — институт раҳбари Муқимжон Қирғизбоев очди.

«Камолот» жамғармаси бошқаруви раиси Ҳотам Абдураимов Ёшлар муаммолари институти фаолияти, ушбу илмгоҳ диққат марказида бўлиши шарт бўлган юмушлар, тингловчилар назария ва амалиётни уйғунлаштирган ҳолда ҳаракат қилмоқлари лозимлигига эътибор қаратди. Ҳ. Абдураимов «Ёшлар етакчилари тайёрлаш курсини» аъло баҳоларга битирган тингловчиларга қайд гувоҳномаларини топширди...

Қувонч билан қайд этиш лозимки, ўқишни эллик бир тингловчидан 12 нафари аъло, 24 нафари яхши баҳоларга тамомлади. Агар дарс ўтган ўқитувчиларни аксарияти ўз соҳасининг «мана-ман» деган фидойилари бўлганини ҳисобга олсак, юқоридаги кўрсаткич қанчалар аҳамият касб этиши ойдинлашади... Шундай экан, чўзилиброқ кетган ушбу хабаримизнинг бир чеккасига аълочи тингловчилар исми-шарифини ҳам тиркаб қўйсак биров бизни айбситмас: Руслан Султонов (Хоразм, Хазорасп тумани), Сайёра Одилова (Жиззах, Ғаллаорол тумани), Гулнора Давлатова (Сирдарё, Мирзаобод тумани), Мусажон Абдурасулов (Фарғона, Учкўприк тумани)...

Ёшлар муаммолари институти шу куни катта ниятлар билан илк қалдирғочларини «учирма» қилди.

## Ёшлар — келажагимиз

Жиззахда Ўзбекистон Республикаси ёшларининг «Камолот» жамғармаси Жиззах вилоят бўлими бошқарувининг кенгайтирилган йиғилиши бўлди. Унда мамлакатимиз Президентининг Ўзбекистон Республикаси ёшларининг «Камолот» жамғармаси Фармони ва Вазирлар Маҳкамасининг уни қўллаб-қувватлаш ҳақидаги қарори қандай бажарилаётгани тўғрисидаги масала муҳокама этилди. Сўзга чиққанлар вилоятда бу борада муайян ишлар амалга оширилганини қайд этиш билан бирга, «Камолот» жамғармаси вилоят бўлими ишини янада жонлантириш, аввало ҳомий ташкилотлар фаоллигини ошириш зарурлигини та'кидладилар.

Йиғилишда вилоят ҳокими Ш. Мирзиёев қатнашди.

**(ЎзА).**

## ЖАМҒАРМА СОВРИНДОРЛАРИ

Тошкентда Ўзбекистондаги истеъдодли болаларнинг анжумани бўлди. Уни Республика ёшлар «Камолот» жамғармаси ва халқ таълими вазирлиги ҳузуридаги истеъдодли болаларни аниқлаш маркази ҳамкорликда ўтказди.

Истеъдод — Оллоҳ томонидан берилган энг улуғ ва буюк неъматдир. Тарихнинг минг йиллик варақларида истеъдод маскани Ўзбекистон, қадимий Туркистон диёри ҳақида кўп бор ёзилган...ва бугун бу ҳақда ёзишга гап топилади.

Ўзбекистон ёшларининг «Камолот» жамғармаси янги йилда янги қувончли хабар тарқатди. У ўз ҳисобидан 41 нафар иқтидорли ўқувчига 500 сўмдан стипендия таъсис этди. Республика истеъдодли болалар анжумани қатнашчиларига «Камолот» жамғармаси бошқаруви раиси Ҳ. Абдураимов шу йилнинг февралидан жамғарманинг маҳаллий бўлимларидан ўз стипендияларини олишларини эълон қилиб шундай деди:

— Юртнинг келажаги — Сиз. Ўзбекистон халқи иқтидорлиларга суянади. «Камолот»нинг бошлаган бу иши дебоча, ҳали сизнинг иқтидорингизни бунданда каттароқ имкониятлар билан тақдирлаймиз.

Ботир ҚОДИРОВ, Республика истеъдод маркази директори.

— Бу марказнинг фаолияти ҳам, мақсади ҳам битта: қобилиятли ёшларни тўплаш ва уларга имконият яратиб бериш. Яқинда Республика бўйича ўтказилган бирламчи-психологик тест танловларида 14 минг ўқувчи иштирок этишди. Шулардан энг зеҳнли, энг иқтидорли болалар танлаб олинди. Зеро, республикамиз келажаги шу ёшлар қўлида экан, биз катталарнинг иши доим уларни қўллаб-қувватлашдир.

41 ўқувчи ҳаётидан: Янги йилнинг илк кунлари уларга оламолам таассуротлар ҳадя этди. Республиканинг турли вилоятларидан ташриф буюрганлар пойтахтнинг диққатга сазовор жойларида бўлишди. Уч кунлик ҳаяжонли онлар «Коинот» ишлаб чиқариш бирлашмасидаги учрашувлар, ТошДД ва Аграр университетдаги танишувлар, халқимизнинг севимли шоири Хуршид Даврон билан бўлган самимий суҳбатлар иқтидорлиларнинг ҳаётидаги унутилмас дақиқаларига сабаб бўлди.

Анжуманнинг учинчи куни Республика таълим марказида давра суҳбати бўлди. Унда Халқ таълими вазирлиги, «Камолот» жамғармаси вакиллари иштирок этди. Тўғриси, биз бундай учрашувни олдин кўрмагандик. Истиқлолнинг мевалари бўлган иқтидорли болаларнинг бугунги таълим муаммолари ҳақида очиқ-ойдин гапиришлари, таклиф киритишларига қараб, ҳавасимиз келди.

Учрашувда иштирок этган Халқ таълими вазири Ж. Йўлдошев ўқувчиларнинг саволларига жавоб бериб, уларга илм олишда муваффақият тилади.

Учрашув сўнгида ўқувчиларнинг ҳар бирига иқтисодиёт ва таълим муаммолари бўйича Республикамизда нашр этилган янги китоблар совға қилинди.

Республикамизнинг иқтидорли ўқувчилари ҳақидаги ҳикояларни газетамизнинг кейинги сонларида ўқийсиз.

## Ер қимирлади

«Тошкент» сейсмик станцияси 9 январ куни маҳаллий вақт билан соат 18 дан 44 дақиқа ўтганда ер қимирлаганини қайд этди. Станция мутахассисларининг хабар қилишларича, зилзила маркази Тошкентдан 415 километр масофада, Марказий Тян-шан тоғида, Қирғизистон Республикаси ҳудудидадир.

Мамлакатимизда зилзила кучи Фарғона ва Андижонда 4 балл, Тошкентда 3 балл бўлди.

Қурбонлар ва вайронагарчилик йўқ.

**(Ўза).**

*14 январь — Ватан ҳимоячилари куни*

## МАҲОРАТ МАКТАБИ

Тошкентдаги Олий умумҳарбий қўмондонлик билим юрти республикамиздаги энг кекса ва нуфузли билим даргоҳларидан саналади. Бугунги кунда билим юртида мустақил она юртимиз равнақи йўлида содиқ хизмат қилувчи юқори малакали зобитлар тайёрланади. Тўрт йиллик пухта ҳарбий таълимдан сўнг тўртта ихтисослик бўйича йўналтирилган мутахассислар етишиб чиқади. Бу даргоҳда Умумҳарбий бўлинмаларнинг қўмондонлари, шахсий қисм қўмондонларининг ўринбосарлари, артиллерия бўлинмаларининг зобитлари тайёрла-нади.

Ҳар қайси ота-она ўз фарзандининг баркамол инсон бўлиб етишишини истайди. Лекин ўғлининг бугун юрт қорига яраётгани, замин узра тинчлик ва осойишталик унинг ўғлига ҳам боғлиқлигини кўрган онанинг кўзларига севинч ёшлари қалқийди.

Ватан ҳимоячилари байрами арафасида юртимизнинг мард ўғлонларига омонлик тилаб қоламиз!

*Ватан ҳимоячилари кунига бағишлаб тайёрланган «Мардлар қўриқлайди, Ватанни» саҳифасини 2-бетда ўқийсиз.*



